"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Янгиарик туман хокими
_______ А.Давлетов

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Буюртмачи | Янгиарик туман Хокимлиги |
| 2 | Хизмати тури | Янгиарик туманида яшовчи Аёллар дафтарига киритилган хотин-кизларнинг 1-синфдан 11-синфгача фарзандлари учун жами 416 нафар шундан 216 нафар угил ва 200 нафар киз укувчиларга хар бирининг улчамини олган холда мактаб формаси тикиб бериш |
| 3 | Танлов тури | Очиқ танлов |
| 4 | Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили | https://e-tender.uzex.uz энг яхши таклифлар |
| 5 | Танлов ўтказиш манзили, жойи ва муддати | Янгиарик туман Хокимлиги (Янгиарик туман Мустакиллик кўчаси 74 уй), (0362)38-54-005. Танлов тугагандан кейин 5 (беш) иш куни мобайнида бўлиб ўтади |
| 6 | Буюртмачи томонидан бажарувчи ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйиладиган талаблар; | **1. Мактаб формаси комплектида 1 та шим ёки 1 та юбка, 1 та жакет ва 1 та курткадан иборат.**<br>**2. Мактаб формаси 416 нафар укувчининг хар бирининг уйига борган холда улчамини олиб тайёрлаб бериш шарт**; 3. Хизмат курсатувчи ташкилот формаларни 1 кун ичида тайёрлаб хар бир хонадонга етказиб бериши керак;<br>**4.** Хизмат курсатувчи ташкилот муддатида тайёрлаб етказиб бериш учун етарли ва зарур техникаларга, малакали ишчи ходимларга эга булиши шарт; |
| 7 | Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади | Ушбу фаолият бўйича тажрибасига эга бўлиши, Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаган ташкилотлар иштирок этадилар. Малакали ходимлага эга бўлишлари шарт |

| | |
|---|---|
| Хизмат кўрсатиладиган муассаса номи | Янгиарик туман хокимлиги |
| Манзили | Янгиарик туман Мустакиллик кучаси 74-уй |
| Жами формалар сони | 416 та |
| | |

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Янгиарик туман хокими

__________________А.Давлетов

«___»_____________2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиарик тумани 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## 1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

1.2 Танлов охирги қиймати 124 800 000 (Бир юз йигирма турт миллион саккиз юз минг) сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайда ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 кун ичида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати — шартнома тузилган кундан бошлаб хисобланади аванс белгиланган 30 %ни ташкил қилади.

1.6 Етказиб берилган парранда ва ем махсулотидан келиб чиқиб шартнома суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади агар 2022 йил охиригача хисоб фактурага асосан бажарилган иш ёки етказилган махсулот суммаси шартнома суммасидан оз бўлса хам шартнома тўлик бажарилмаган деб хисобланади.

## 2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Янгиарик туман хокимлиги (бундан кейин буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.

Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти Янгиарик тумани Мустакиллик кучаси 74 уй

Эладрес:

2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади

2.3 Танлов Янгиарик туман хокимлиги Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатда ўтказилади.

## 3. Танлов иштрокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда махсулот, иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 30% миқдордаги айланма маблағларниниг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномаси, ишлар хизматларни махсулотларни етказиш бажариш учун зарур бўлган мехнат(ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов ишларига ўхшаш ишларни бажарганлик тажрибаси мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисида маълумот; Низом гувохнома маблағ микдори устав фонд.

3.3 Агар танлов предмети бўлган махсулотлар ишлар хизматларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштрок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулк мусодара қилинганлар, хамда муассасалик келишув, молиявий

иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлиги.

## 4.Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Иштрокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштрокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкун;

-Тақдим қилинган хужжатларнинг хақиқийлигига ва маълумотларнинг хақонийлигига тўлик жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш хуқуқига эга.

## 5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштрокчилар учун таалуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунига узайтирилиши мумкун;

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади;

5.3 Танлов муддатини узгартириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим;

## 6. Томонларнининг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштрокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. Бошқа шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга хакли. Товарни (товарни, ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади;

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб

тушган санадан эътиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларниниг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак;

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш байённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади;

7.4 танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш байённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни ичида танлов иштрокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт;

7.5 танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ИЛОВА

## Товар бошлангич нархлари

| | Номи | Тури | сони | Дона Суммаси | Жами суммаси | Изох |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Угил болалар учун мактаб форма | комп | 216 | 300000 | 64800000 | 1 синфдан 11 синфгача булган болалар учун хар бирининг уйига борган холда улчами олиниб тайёрлаб уйига етказилиб берилиши керак |
| 2 | Киз болалар учун мактаб форма | комп | 200 | 300000 | 60000000 | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| Жами сумма | | | | 124 800 000сўм | | |

Янгиарик туман хокими А.Давлетов